



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ҲАМДА ШАҲАРЛАР ВА ҚИШЛОҚЛАРДА АВТОБУСЛАРДА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Автотранспорт хизматлари билан таъминлаш соҳасини янада такомиллаштириш, худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда мамлакат шаҳар ва қишлоқларида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда автотранспорт хизматлари кўрсатишнинг ролини кучайтириш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага зарарли ташламаларни қисқартириш мақсадли:

1. Куйидагилар республикада автомобиль транспортида йўловчилар ташишни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ҳаракатдаги таркибни замонавий, қулай автобуслар ва микроавтобуслар билан янгиллаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, йўл қоламаларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда яхшилаш ҳисобига аҳолининг автомобилларда ташувларга бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондиришни таъминлаш;

йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш, йўналишлар бўйича ҳаракатлини жадвалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, йўловчилар ташиш соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, йўлқира ҳақи учун нақд пулсиз тўлов тизимини жорий этиш;

автобуслар ва микроавтобуслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, автомобиль транспорти корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш;

йўловчилар ташишни бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

2. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги зиммасига йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширишга йўналтирилган комплекс амалий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқиши ва тизимли асосда амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вазифаси юклансин, куйидагилар агентлигининг қўшимча функциялари этиб белгилансин:

йўналишларда йўловчилар ташиш транспортида хизматлар кўрсатиш юзасидан намунавий контрактларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, уларда аҳолига сифатли ва хавфсиз автотранспорт хизматларини кафолатли таъминлаш учун оптимал шарт-шароитларни назарда тутиш;

йўловчилар ташишни амалга ошириш юзасидан доимий равишда марказлаштирилган мониторинг олиб борилишини таъминлаш, онлайн (GPS) режимида масофадан кузатиш тизимини ҳамда расмий веб-сайт ва «ишонч телефонлари» орқали аҳоли билан мулоқот механизмларини босқичма-босқич жорий этиш;

ташувчилар томонидан йўналишларда хизмат кўрсатиш юзасидан лицензия талаблари ва шартларининг, контрактларнинг

бажарилиши, йўловчилар ҳуқуқларига, белгиланган ҳаракатлини жадвалларига, транспортда юриш тарифларига риоя этилиши, қонунчиликнинг, шу жумладан, санитария қоидаларининг бузилишлари ва хизмат кўрсатиш маданиятининг паст бўлиши ҳолатларига йўл қўймаслик юзасидан тизимли назоратни ташкил этиш.

3. 2017-2021 йилларда шаҳарлар ва қишлоқларда автотранспорт хизматларини янада ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) тасдиқлансин. Дастур куйидагиларни ўз ичига олади:

1-иловага мувофиқ 2017-2021 йилларда йўловчилар ташийдиган янги автобус йўналишларини ташкил этишнинг мақсадли параметрлари;

2- ва 3-иловаларга мувофиқ 2017-2021 йилларда янги автобуслар ва микроавтобуслар сойти олиш параметрлари;

4-иловага мувофиқ 2017-2021 йилларда йўловчилар автовокзаллари ва автостанцияларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш тadbирлари.

4. Дастурда назарда тутилган тadbирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилиши юзасидан масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргаликда:

Дастурда назарда тутилган тadbирлар ва параметрларни амалга оширишнинг тармоқ жадвалларини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқишлигини;

2018 йил 1 июлгача бўлган муддатда Нукус шаҳрида ва вилоятлар марказларида шаҳар йўловчилар ташиш транспортида йўлқира учун нақд пулсиз ҳақ тўлаш тизими босқичма-босқич жорий этилишини;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида ахборот киритилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда лойиҳалаш ташкилотлари билан биргаликда икки ой муддатда, энгил конструкциялардан ҳамда нархлари ва сифат кўрсаткичлари бўйича қулай бўлган, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган материаллардан (металл конструкциялар, сандвич-панеллар ва шу кабилардан) фойдаланган ҳолда автовокзаллар, автостанциялар ва йўналишлардаги тўхташ пунктларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқишлигини таъминласин.

7. Маҳаллий бюджетлар, «Ўзавтосаноат-лизинг» МЧЖ, бошқа лизинг ташкилотлари маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Дастурни амалга оширишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

▶ Давоми 2-бетда.

Муносабат

Республикаимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари билан учрашувида тиббиёт тизимидаги ислохотлар, йўл қўйилган камчиликлар, ҳал этилиши зарур бўлган масалалар очиқ-ойдин муҳокама қилинди, таклифлар, мулоҳазалар билдирилди.

ТИББИЁТ РИВОЖИ

Энг аввало, малакали кадрларга боғлиқ

Авало шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Истиклол йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича яхлит тизим яратилди.

Бироқ ўтган давр мобайнида ана шу тизим тўлиқ ишлаши учун нимагадир етишмади. Балки, биз шифокорлар ҳам фидойилик кўрсатмагандиримиз. Буни қишлоқ врачлик пунктлари мисолида ҳам кўриб турибмиз. 2007-2008 йилларда Саломатлик-2 лойиҳаси доирасида барча қишлоқ врачлик пунктлари тиббий жиҳозлар билан таъминланган эди. Ўтган вақт давомида улар янги такомиллашди, янгидан-янги асбоб-ускуналар яратилди. Аммо бизда мавжудлар замон талабига тўлиқ жавоб бермайди. Шунингдек, сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасига маҳаллий бошқарув органларининг эътибори ҳам сусайиб кетди.

Учрашувида кўтарилган яна бир ўткир муаммо — бу кадрлар масаласи. Охириги вақтларда тиббиёт олий ўқув юрталарини битирган ёшлар қишлоққа деярли бормаяпти хисоби. Мана шу омиллар йиғилиб, долзарб муаммоларни келтириб чиқарди.

Очиқ мулоқотда Президентимиз томонидан берилган кўрсатмаларни ҳал этиш юзасидан бугун чора-тадбирлар белгиланмоқда. Биринчидан, тиббиёт соҳасида малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида битирувчиларга имтиҳонлар бериш масаласи кўриб чиқилмоқда. Шунингдек, тиббиёт олий ўқув юрталарида ўқий муаддатларини қайта кўриб чиқиш режалаштириляпти. Ўқийни тамомлаган



ТИББИЁТ РИВОЖИ

Энг аввало, малакали кадрларга боғлиқ

мутахассис икки йил давомида мажбурий равишда биринчи бўлинда, қишлоқ врачлик пункти ёки оилавий поликлиникада ишлаши кўзда тутилмоқда. Шундан кейингина у магистратурада ўқийи мумкин.

Мулоқотда кўтарилган яна бир муҳим масала — пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган икки марказлири фаолиятини қўйи бўлингача ташкил этишдир. Мутахассис сифатида айтишим керакки, очиги, бу тиббиёт марказларининг фақатгина Тошкент шаҳрида бўлиши чекка худудларда истиқомат қилаётган аҳоли учун қўллаб қўйинчиларни келтириб чиқармоқда. Аслида мазкур марказларнинг вилоят филиаллари ҳам бўлиши керак. Бу масала учрашувида жуда қатъий қилиб қўйилди. Бемор доволаниш учун Тошкентга келиши керак

эмас, мутахассис беморни даволаш учун вилоятларга чиқиши зарур. Ҳозирда ана шу тизимни ишлаб чиқиш устида ҳам иш кетмоқда.

Президентимиз учрашувда таъкидлаганидек, ҳар йили 40 мингга яқин фуқаромиз чет элларда доволанишга мажбурий бўлмоқда. Мен улارнинг баъзилари билан суҳбатлашганимда, бу ҳолат беморларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ноқулайлик туғдираётганига гувоҳ бўлдим. Шу ўринда яна бир гап. Беморларнинг бирортаси кўз билан боғлиқ масалаларда чет элга бориб келганини эшитмадим. Нимага? Чунки мамлакатимизда офталмология соҳаси анча ривожланган, малакали мутахассислар бор. Қолаверса, хорижий шифокорлар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Учрашувида хориждаги

мутахассисларни Ўзбекистонга таклиф қилиб, илгор амалбётларни ўзимизнинг клиникаларда ўтказиш масаласи ҳам ўртага ташланди.

Хулоса сифатида шуни айтишим керакки, халқро тажрибадан маълумки, тиббиёт соҳасининг биринчи навбатдаги вазифаси одамларнинг тиббий маданиятини оширишдир. Халқимиз онгидан «касал бўлсам, кейин даволанман», деган фикрни чиқариб юборишимиз керак. Энг асосий ургуни тарбият масалаларига, аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишга қаратишимиз лозим, деб ўйлайман. Бу борада, айниқса, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан янада самарали фойдаланишимиз керак. Шунда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижасини беради.

Мақсуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис Сенати
аъзоси,
Зангиота туманидаги
«Назарбек» қишлоқ
врачлик пункти мудири.

Миллий армиямиз — фахру ғуруримиз



ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ

«Болагимиздаги биринчи ўйинчоғим кичкина танк бўлган эди. Кейинчалик у менда ҳарбийликка меҳр уйғотди, Ватан ҳимояси бўлиш орзуси сари интилдим. Мана, 11 ойдирик, йигитлик бурчимни ўтаётман. Оилада катта фарзанд бўлганим учун синглим ҳамда укамнинг олдида ҳамisha масъулият ҳис қилар эдим. Хизматга келгач эса халқимиз олдидаги вазифамни англай бошладим...»

Бу оддий аскар Мухриддин Жалоловнинг фикрлари эди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда Қуролли Кучлар давлат музейида ўтказилиши режалаштирилган тadbирга анча эрта бордик. Икмониятдан фойдаланиб, тинчлигимиз посбонлари билан суҳбатлашдик. Улар ҳарбий қисмларда яратилган шароитлар, соҳани ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида фахрлиниб гапирди.

Кизгин суҳбатимиз тadbирга уланиб кетди. **Олий Мажлис Қонунийлик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова** тadbирни очиб, барчани Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кўни билан табрикланди. Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси бўйича яратилган қонуний асослар ҳақида тўхтадик.

Шундан сўнг **«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов** миллий армиямизнинг ташкил этилиши тарихи, бу жараёнда Биринчи Президентимиз Исрол Каримов кўрсатган жасорат ҳақида сўз юритди, ҳаётий мисоллар келтирди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида миллий армиямизни шакллантириш йўлида кенг қўллади ислохотлар амалга оширилди, мамлакатимиз хавфсизлиги ва худудий ялтилигини ишончи ҳимоя қилаётган замонавий Қуролли Кучлар ташкил этилди.

Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари **Нилуфар Юлдашева**, **Ўзвучилар уюшмаси аъзоси**, **шoir Аҳтамқули Каримов**, **оддий аскар Қудратилло Собиров** ва бошқалар Ватан ҳимояси олий шараф экани тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдиришди ҳамда ҳарбий хизматчиларни байрам билан самимий муборакбод эттишди.

Қуролли Кучлар тизимида юрт тинчлиги, Ватан равнақи йўлида олиб бораётган мардондор хизматлари учун бир гуруҳ ҳарбийларга «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил» эсдалик нишонини ва фахрий ёрликлар топширилди.

— Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибордан бошимиз кўкка етди, — деди **Мудофаа вазирлиги ходими**, **катта сержант Аҳад Пайғамов**. — Бугун менга берилган нишон зиммамга янада катта масъулият юклайди. Ватанимга, халқимизга садоқат билан хизмат қилишга ундайди.

Тadbирда **ЎзХДП Марказий Кенгаши** ва Тошкент шаҳар кенгашининг совгалари ҳам топширилди.

Сўнгра санъаткорларнинг Ватан ва ҳарбийлар жасорати ҳақидаги куй-қўшиқлари тadbирга янада байрамона руҳ бағишлади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, худудий ташкилотлари томонидан барча туман ва шаҳарларда Ватан ҳимоячилари кўнига бағишланган маданий-маърифий тadbирлар ўтказилмоқда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашларида

Аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламни ижтимоий муҳофаза қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Партиянинг Тошкент вилоят кенгаши бу борада турли ташаббусларни амалга оширишда фаол қатнашмоқда.

Самимий мулоқот

барчага манзур бўлди

Оҳангарон туманида ташкил этилган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди» акцияси ана шундай тadbирлардан бири бўлди. Ҳамкор ташкилотлар, ҳомийлар, олимлар, санъаткорлар иштирокида ўтган учрашув электрат вакилларининг кўнглини кўтариш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, шу билан бирга, маънавий дам олиш тadbирига айланиб кетди.

Тadbирда **Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари**, **Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева** мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, бандлини таъминлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўллади ишлар, бу борада қабул қилинаётган Президент фармон ва қарорларининг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси **Қобилбек Каримбеков**, **Ўзбекистон халқ артисти Малика Иброҳимова**, «Сардорком» МЧЖ таъсисчиси, партияимиз фаоли **Абдуносир Қосимов** ва бошқалар инсон манфаатларини таъминлаш, одамлар билан самимий мулоқот қилиш, ҳаётий муаммоларини эшитиш ва ҳал этиш ҳар биримизга катта масъулият юклаганини таъкидлашди.

— Сибсатчилар, олимлар, санъаткорлар иштирокидаги самимий учрашув барчамизга манзур бўлди, — дейди **меҳнат фахрийси Салтанат Шадарова**. — Бундай тadbирлар кўпаяверсин. Халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, саховатпешалик фазилатлари ҳеч биримизни тарк этмасин.

Тadbир давомида ҳомий ташкилотлар томонидан ногиронлар ва эҳтиёжманд оилаларга совгалар тарқатилди.

Шерали ҚУТЛИМУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИАҲОЛИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ
ҲАМДА ШАҲАРЛАР ВА ҚИШЛОҚЛАРДА
АВТОБУСЛАРДА ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА

8. Акциядорлик тижорат Халқ банкига, зарурат бўлганда, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасига тенг бўлган фойз ставкаси билан, келгусида «Ўзавтосаноат-лизинг» масъулияти чекланган жамияти ва бошқа лизинг ташкилотларини молиялаштириш учун йиллик 0,5 фойздан кўп бўлмаган тижорат банклари маржаси билан умумий миқдори 100 миллиард сўмгача ресурслар ажратиш тавсия этилсин.

9. 2022 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда: четдан келтириладиган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, мунтазам йўловчилар ташиш йўналишларида банд бўлган автобуслар ва микроавтобусларнинг иши устидан онлайн режимда (GPS), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича шаҳар йўловчилар ташиш транспортда юрганлик учун электрон тўлов тизимларини масофадан кузатиб боришни жорий этиш

учун мўлжалланган ускуналар, механизмлар, материаллар, бутловчи буюмлар божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустахсон); лизинг ташкилотлари ва автомобиль транспорти ташкилотлари — Дастур доирасида сотиб олинган микроавтобусларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик органларида рўйхатдан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик хузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғим тўловидан;

автомобиль транспорти ташкилотлари — йўловчиларни шаҳар атрофида ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда (қишлоқ жойларда) автобуслар ва микроавтобусларда ташиш ҳажми бўйича ягона солиқ тўловидан озод қилинсин.

10. Дастур бажарилишининг доимий мониторингини олиб борилишини таъминлаш бўйича 5-иловага мувофиқ таркибда ишчи гуруҳ ташкил этилсин. Қуйидагилар ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тармоқ жадвалларига мувофиқ Дастур тадбирлари амалга оширилишини тизимли таҳлил қилиш

ва таҳлил асосида Дастур амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;

шаҳарлар ва қишлоқларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ва автобусларда йўловчилар ташиш тизимига, йўловчилар автовокзаллари, автостанциялар, охириги тўхташ пунктларини қуришга инвестицияларни амалга ошириш учун хусусий инвесторларни жалб этиш чора-тадбирларини қўриш;

янгича автобуслар ва микроавтобусларни сотиб олиш юзасидан шартномаларни келишиш ва амалга оширишда, уларга техник хизмат кўрсатишнинг замонавий, модернизациялаштирилган пунктларида айнан бир хил техник хизмат кўрсатишни таъминлашда автомобилда ташувчиларга кўмаклашиш;

ёқилги қиймати ва бошқа иқтисодий шарт-шароитлар ўзгарган тақдирда йўлқира тарифлари

ўз вақтида қайта қўриб чиқирилишини назорат қилиш;

Дастурда назарда тутилган тадбирлар бажарилиши масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси, вилоятлар ҳокимликлари, вазириликлар, идоралар, ташувчиларнинг раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам эшитиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси республика шаҳарлари ва қишлоқларида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ва автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни ташкил этиш бўйича бир ой муддатда қарор қабул қилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазириликнинг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2017 йил 10 январь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига транспорт
хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда
автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига
ШАРҲ

Кейинги йилларда автомобиль транспорти соҳасида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида кўплаб чора-тадбирлар қўрилди, автотранспорт хизматларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари изчил бажарилмоқда.

Йўловчилар ташийдиган автомобиль транспортининг янги мунтазам йўналишлари ҳамма жойда очилмоқда, ҳозирги вақтда уларнинг сони 4,3 мингтадан ошди.

Фақат сўнгги 3 йилнинг ўзига, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 3 мингта яқин автобус ва 12 мингта энгил автомобиль фойдаланишга топширилди. Янги автовокзаллар ва автостанциялар барпо этилмоқда, эскилари реконструкция қилинмоқда.

Бироқ, автотранспорт хизматлари кўрсатиш тизимини, айниқса, қишлоқ жойларда такомиллаштириш ишларини бундан буён ҳам фаоллаштириш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш зарур.

Қабул қилинган қарор айнан республиканинг шаҳар ва қишлоқларида, биринчи навбатда қишлоқ жойларда автотранспорт хизматлари билан таъминлашни янада яхшилашга, йўловчилар ташиш хавфсизлигини оширишга қаратилган.

2017-2021 йилларда 303 та янги йўловчи ташиш йўналиши, улардан 240 тасини (79,2 фоизи) шаҳар атрофида ва қишлоқ жойлардан ўтадиган шаҳарлараро қатновларда очилиш назарда тутилмоқда. Янги йўналишлар очилган бўлганда, асосан автобуслар етишмаслиги туфайли қатнов тўхтатилган йўналишлар тикланади.

Келгуси 5 йилда 8,6 мингта йўловчи ташиш автомобили, шу жумладан, 5,7 мингта умумий фойдаланишга қулай микроавтобус сотиб олинади.

Автостанциялар, тўхташ бекатлари энгил конструкциялардан ва асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган арзон материаллардан (металл конструкциялар, сандвич-панеллар ва шу кабилардан) фойдаланган ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича қурилади.

Йўловчиларга сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида автобус ва микроавтобусларнинг ишчи гуруҳидан онлайн режимда (GPS) доимий кузатишни;

2018 йилнинг 1 июль санасига қадар Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида шаҳар йўловчилар транспортларида йўл ҳақини банк пластик картасида нақд пулсиз тўлаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигига таркибий ва институционал ўзгартириш, хизматлар бозори шаклланиши ва ривожланишига ҳамда автомобилларда ташиш хавфсизлиги масалаларини ҳал қилиш учун махсус ваколатли давлат бошқаруви органи сифатида йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини оширишга йўналтирилган комплекс амалий чора-тадбирларнинг ишлаб чиқирилишини ва тизимли асосда амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш юкланмоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг аҳоли билан веб-сайт, «ишонч телефонлари» орқали мулоқотининг амалий механизми таъминланади.

Келгуси 5 йил мобайнида Дастурни молиялаштиришга 840 миллиард сўмдан зиёд, асосан «Ўзавтосаноат-лизинг» ва бошқа лизинг компанияларининг

маблағлари, тижорат банклари кредитлари, хусусий инвесторларнинг ўз маблағлари, шунингдек, маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар йўналтирилади.

Қарорда лизинг компаниялари ва ташувчиларнинг ўзлари янги сотиб оладиган микроавтобуслар учун Республика йўл жамғармасига тўланадиган йиғим тўловидан озод қилиниши назарда тутилган.

Четдан келтириладиган ва республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган, автобуслар ва микроавтобусларнинг ишчи онлайн режимда (GPS) мунтазам тарзда масофадан кузатиб боришни, шунингдек, йўлқирани нақд пулсиз тўлаш тизимини жорий этиш учун мўлжалланган барча материаллар, асбоб-ускуналар, деталлар божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари) озод қилиниши ҳам назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, юридик шахслар шаҳар атрофидаги ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларда (қишлоқ жойларда) автобусларда йўловчилар ташиш ҳажми бўйича ягона солиқ тўловидан озод қилинмоқда.

Дастурнинг амалга оширилиши юзасидан ишчи гуруҳ мунтазам мониторинг олиб боради. Қуйидагилар ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

тармоқ жадвалларига мувофиқ Дастур тадбирлари амалга оширилишини тизимли таҳлил қилиш ва таҳлил асосида Дастур амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;

шаҳарлар ва қишлоқларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ва автобусларда йўловчилар ташиш тизимига, йўловчилар автовокзаллари, автостанциялар, охириги тўхташ пунктларини қуришга инвестицияларни амалга ошириш учун хусусий инвесторларни жалб этиш чора-тадбирларини қўриш;

янгича автобуслар ва микроавтобусларни сотиб олиш юзасидан шартномаларни келишиш ва амалга оширишда, уларга техник хизмат кўрсатишнинг замонавий, модернизациялаштирилган пунктларида айнан бир хил техник хизмат кўрсатишни таъминлашда автомобилда ташувчиларга кўмаклашиш;

ёқилги қиймати ва бошқа иқтисодий шарт-шароитлар ўзгарган тақдирда йўлқира тарифлари ўз вақтида қайта қўриб чиқирилишини назорат қилиш;

Дастурда назарда тутилган тадбирлар бажарилиши масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси, вилоятлар ҳокимликлари, вазириликлар, идоралар, ташувчиларнинг раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам эшитиш.

Қарорнинг амалга оширилиши йўловчилар ташиш хавфсизлигини, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатининг юқори даражасини, жамоат транспорти йўналишларидаги транспорт воситалари ҳаракатининг белгиланган жадваллари ва оралиқлари маромига риоя этилишини, автотранспортда йўловчилар ташиш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишини ҳамда ташувчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга кўмаклашади.

Ҳар қандай давлатнинг мустақиллиги, халқнинг эркинлиги, Қурулди Кучлари томонидан ҳимоя қилинади. Шунинг учун мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимиз суверенитети, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мудофаасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда.

ЎЗБЕКISTON
ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ

ТИНЧЛИГИМИЗ ВА ХАВФСИЗЛИГИМИЗНИНГ

Ишончли кафолати

Кўпчилик яхши эслайди. Мустақилликка эришганига эндигина бир неча кун бўлган мамлакатимизда, яъни 1991 йил 6 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирилик ташкил этилди. Ҳарбий комиссариатлар республика бўйсунувига ўтказилиб, собиқ иттифоқ армиясига аскар бориш тўхтатилди. 1992 йил 14 январь кунини эса давлатимиз худудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлимларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилинди. Иттифоқда хизмат қилаётган аскарлар Ўзбекистонга қайтарилди. Бу тарихий ишлар Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилди.

Мамлакатимиз Қурулди Кучлари ташкил этилганлигининг 25 йиллигини тантанали ишонлар эканмиз, мазкур тизимни ислоҳ қилиш унинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўраемиз.

Энг аввало, Бош Қомусимизда мамлакатимиз Қурулди Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва худудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи эканлиги алоҳида қайд этилди.

Соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги, «Фуқаро, муҳофазаси тўғрисида»ги, «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг ташкилий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар мамлакатимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда, ҳаётимизнинг барча соҳаларида барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2008 йил қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони миллий армиямизнинг тайёргарлигини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган муҳим ҳужжат саналади. Мазкур фармонга мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматга қабул бўлган бир марта — февраль-март ойларида танлов асосида амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматнинг янги тури — сафарбарлик чакируви резерви ҳам салоҳиятли аскарларни тайёрлашда яхши самара бермоқда. Бугун миллий армиямиз сафарбарликда хизмат қилаётган аскарлар ҳарбий мутахассисликни пухта ўзлаштириш билан бир қаторда, замонавий ахборот технологияларига оид билимларини ҳам оширмоқда.

Утган кунларга назар ташлайдиган бўлсак, мустақилликдан, яъни 90-йилларда маҳаллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг бор-йўғи 0,6 фоизини ташкил этган. Шунинг учун дастлабки даврдан бошлаб биринчи навбатда маҳаллий ҳарбий кадрларни тайёрлаш масаласига катта эътибор берилди. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Урганч шаҳарларида ҳарбий мутахассислар тайёрлайдиган лицейлар ташкил этилди. Тошкент умумқўшин, Чирчиқ олий танк ва Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик муҳандислик билим юрталари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти ташкил этилди. Тошкент ахборот технологиялари университетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди. 1995 йилда Қурулди Кучлар академияси ташкил этилди. Сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори кичик командирлар тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, 2012 йилда яна бир тарихий ҳужжат — «Ўзбекистон Республикасининг ташкилий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур Қонунни мамлакатимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган ташкилий стратегиясини белгилаб берувчи ўта муҳим ҳужжат сифатида баҳолаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ташкилий фаолияти Концепциясида бир қатор принципиал аҳамиятга молик бўлган илғор прогрессив фикрлар ўз аксини топган. Унда Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги ҳарбий можароларга ва танг вазиятларга тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни қўриш, шунингдек, ўз худудда хоржий давлат ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги алоҳида қайд этилди. Айни пайтда Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсат юритиши, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокага айланган тақдирда улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиш каби принципиал позицияси ҳам мазкур Концепцияда ўз аксини топди.

Шунингдек, унда Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат худудининг яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини асраш мақсадидаги на тузилади ҳамда хориздаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмайди, деб қатъий белгилаб қўйилди.

Бугун дунёнинг турли нуқталарида кузатилаётган турли шубҳали бирга, ўта калтис вазият ушбу масалаларнинг нақадар принципиал ва ҳаётий аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда.

Ватан ҳимоячиларини нафақат ижтимоий, балки маънавий рағбатлантиришга ҳам катта эътибор берилди. Маълумки, мустақиллик йилларида юртимизда «Мустақиллик», «Амир Темури», «Жалолиддин Мангуверди», «Мардилик» орденлари, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун» каби медаллар таъсис этилди. Улар давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтиришга, Ватан ҳимоясига катта хисса қўшаётган ҳарбийларимиз ҳамда хаморотларимиз меҳнатини қадрлаш, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашга ўзига хос юксак маънавий рағбат вазифасини ўтамоқда.

Армиямиз сафарбарликда хизмат қилаётган фарзандларимизга катта эътибор ва ғамқўрликнинг яна бир амалий намунаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Қурулди Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент қарорини келтириш мумкин. Мазкур қарорга мувофиқ, 2012-2013 ўқув йилидан бошлаб Қурулди Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар барча йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича республика олий таълим муассасаларига киришда қўшимча балл шаклидаги имтиёздан фойдаланишмоқда. Ҳарбий қисмлар кўмондонлигининг бундай тавсияномалари улар берилган санадан бошлаб уч йил мобайнида амал қилади.

Биз қўлга киритаётган тарихий ютуқ ва марралар, халқимизнинг тинчлиги мустаҳкамланиши, мамлакатимиз дунё сахнида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашда миллий армиямизнинг ўрни беқиёс, албатта. Қурулди Кучларимиз давлат суверенитети ва худудий яхлитлигини, аҳолининг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаб турган экан, одамлар хотиржам меҳнат қилади, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, бирдамлиги ва ҳамжихатлиги тобора ортиб бораверади.

Комила ҚАРОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг
Мудофаа ва хавфсизлик
масалалари қўмитаси аъзоси,
Ўзбекистон ХДП фракцияси
аъзоси.

Келгуси 5 йилда 8,6 мингта йўловчи ташиш автомобили, шу жумладан, 5,7 мингта умумий фойдаланишга қулай микроавтобус сотиб олинади.



Меҳнат ярмаркасида

50 нафар фуқаро ишга жойлашди

Кўнғирот туманидаги саноат касб-хунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги kruz.uz сайтида маълум қилди.

Меҳнат ярмаркасида Кўнғиротдан 58, Мўйноқ туманидан 15, Қонликўл туманидан 22 ва Шуманай туманидан 17 корхона ва ташкилот бўш иш ўринлари билан қатнашди.

Ярмаркада 50 нафар фуқарога (шундан, 18 нафари ёш, 16 нафари хотин-қиз) ишга жойлашиши учун йўлланма берилди.

Пойтахт кўчаларига янги номлар берилди

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори билан пойтахтдаги янги кўчаларга номлар берилди ва бир қатор кўчалар қайта номланди, деб хабар беради шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати.

Маълумотга кўра, 5,1 километрлик Нурафшон кўчаси Олмазор туманидаги Беруний кўчасидан бошланиб, Шайхонтоҳур туманидаги Хуршид кўчасигача давом этади ва Нурафшон айланма кўчаси деб номланади. Мирзо Улуғбек туманидаги Мирзо Улуғбек шоҳ кўчаси ва Паркент кўчаси оралиғида яқинда очилган кўча эса Тараққиёт кўчасининг давоми бўлди.

Яккасарой туманидаги Муқимий ва Бобур кўчаларини йўл ўтказгич орқали боғлайдиган янги кўча Муқимий кўчасининг давоми бўлади. Олмазор туманидаги Тараққиёт кўчаси Дилсарой, деб қайта номланган.

Учтепа ва Шайхонтоҳур туманида жойлашган Маннон Уйғур кўчаси Кўкча дарвоза, деб қайта номланган. Кўкча Дарвоза кўчасининг ўзи эса Кўкча Дарвоза тор кўчасига айланган.

Юнусобод туманида собиқ радиостанция хулудидида эски кўча Қаноат кўчаси номини олган.

Ибрат

мажмуаси барпо этилади

Наманган вилоятининг Турақўрғон туманида барпо этиш режалаштирилган «Ибрат» мажмуасини лойиҳалаштириш ишлари якунига етди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлигининг матбуот хизмати маълум қилди.

Мазкур мажмуада музей (ичида кутубхона ва мутолаа хоналари, кўргазмалар зали), тиллар мактаби (160 ўқувчига мўлжалланган ўқув хоналари, спорт майдончалари), «Ибрат» боғи (фаввора, хиёбон, Ибрат ҳайкали) бўлади. Қурилиш ишлари шу йилнинг март ойида бошланади, мазкур мажмуа 2,2 гектар майдонни эгаллайди.

Маърифатпарвар бобомиз Исоқхон Тўра Ибрат 1862-1937 йилларда яшаб, ижод қилган. Қатагон қурбони бўлган бу зиёли инсон Фарғона водийсидаги илк босма маҳонага асос солган. Ибрат етти-та чет тилини билган. Бир нечта дарсликлар ва китоблар яратган.

Солиқ: имтиёз ва енгилликлар

Давлат солиқ кўмитаси томонидан пойтахтимидаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида 6 кунлик кўргазмали семинар ташкил этилди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилги асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятидан тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда кенг жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат бўлди.



У.Са. ораги.

Семинарда таъкидландики, республикамизда тадбиркорлик субъектларига қулай шароитлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзлари бериш ва солиқ маъмуричилигининг самарадорлигини ошириш тенденцияси 2017 йилда ҳам сақланиб қолинди.

Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Уларга асосан турли йўналишлар бўйича енгилликлар, имтиёзлар яратилди, шунингдек, қонун ҳужжатларига асосан берилган имтиёзлар муддати узайтирилди.

Жумладан, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритувчи юридик шахсларни фойда ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этишга оид солиқ имтиёзлари 12 та фаолият турларини, шундан 4 таси республиканинг барча хулудларида ва 8 таси қишлоқ жойларда 2020 йил 1 январьгача амалиётда бўлади.

Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар учун ҳамда республикамизда автомобилчи саноатини янада ривожлантириш мақсадида берилган солиқ имтиёзларининг муддати 2020 йил 1 январьгача, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар учун берилган солиқ имтиёзларининг муддати 2019 йил 1 январьгача узайтирилди.

Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш тартибларини бирхиллаштириш мақсадида 2017 йил 1 январдан бошлаб бошқа тадбиркорлик субъектлари

учун белгиланган ягона ижтимоий тўловни ҳар бир ходим учун ойига минимал иш ҳақига қаррали миқдорда ҳисоблашнинг амалдаги тартиби чакана савдо, умумий овақтланиш ва қурилиш соҳаси корхоналарига ҳам таъбиқ этилиши белгиланди.

Асосий солиқ турлари бўйича ставкалар 2017 йилда ҳам 2016 йил даражасида сақланиб қолинди. Жумладан, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи, юридик шахсларнинг фойда (7,5 фоиз), мол-мулк (5 фоиз), ягона ер ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш (8 фоиз), шунингдек, экспорт қилувчи корхоналар учун фойда солиғи, ягона солиқ тўлови ставкалари ўтган йилда қайта баҳолашнинг регрессив ставкасини қўллаш тартиби сақлаб қолинди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг фаолият турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ ставкалари 2016 йил даражасида сақлаб қолиниши баробарида 2017 йил 1 январдан бошлаб, хунармандларга (қонунчиликда белгиланган рўйхат бўйича) энг кам иш ҳақининг 0,5 баробари миқдорда солиқ тўлаш жорий этилди. Давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар бўйича тўловлар ставкалари ўтган йил даражасида қолдирилди.

Мамлакатимизда ўртача турмуш даражаси ва энг кам иш ҳақи миқдори ошганлиги ҳамда инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда айрим солиқларнинг ставкалари индексация қилинди.

Солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш ва солиқ солиш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича Солиқ кодексига тегишли ўзгаришлар киритилди. Жумладан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қарзи бир йил мобайнида тўланмаган тақдирда, қарзни ундиришни мол-мулкига қаратиш учун белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган (юридик шахслар энг кам иш

ҳақининг 20 баробаригача, жисмоний шахслар учун 5 баробаригача) ҳолларда ҳам мажбурий ундирувга қаратиш тартиби белгиланди.

Нотижорат ташкилотлар томонидан бошқа даромадлар бўйича солиқ мажбуриятларини бажаришда турли хил талқин этишларнинг олдини олиш мақсадида Солиқ кодексининг 7 моддасига ўзгариш киритилди.

Президентимизнинг тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармонда белгиланган мезъёрларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун қабул қилиниб, унга асосан 13 қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Жиноят, Жиноят процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Солиқ кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинди. Бироқ юридик шахслар «мурожаатига асосан қорхона тугатилётганида ўтказиладиган текширишлар сақланиб қолинди. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилганлиги ҳолатлари бўйича берилган мурожаатлари асосида факатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига биноан қисқа муддатли (яъни 8 соатдан ошмайдиган) текширишлар ўтказиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари биринчи марта ҳуқуқбузарлик

содир этса ва бу ҳуқуқбузарлик инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказмаса, у етказилган зарарни белгиланган тартибда ва муддатларда ихтиёрий равишда қопласа, яъни солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўласа, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялардан (пенядан ташқари) озод қилинади.

Шунингдек, қонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва руҳсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланди.

Жиноят кодексига тадбиркорлик фаолияти билан шугулланган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинламаслик белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси, Молия вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди вазирлик, идоралар-масъул ходимлари иштирок этган кўргазмали семинарда Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб оlishди.


Тадбирда, шунингдек, ишлаб чиқаришни ривожлантириб, янги иш ўринлари ташкил этган, республика иқтисодиёти юксалишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган намунали солиқ тўловчиларнинг бир гуруҳи Давлат солиқ кўмитасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

НОРВЕГИЯ FM-РАДИОДАН

ВОЗ КЕЧМОҚДА



Норвегияда 11 январдан FM-диапазонда ишловчи радиостанциялар ёпилиши, бир неча ойдан кейин оддий радиоприёмниклар тутиши мумкин бўлган радиостанциялар қолмади ҳисоб. Гап шундаки, Норвегия рақамли радиого тўлиқ ўтаётган ва FM диапазонни ёпаётган дунёдаги биринчи давлат бўлмоқда.

Ушбу мамлакатда FM-радиодан воз кечишга 2 йил аввал қарор қилинган эди. Ҳозирда FM-диапазонда 5 миллий ва яна бир қанча худудий радиостанциялар ишламоқда. Рақамли DAB формати эса 40 дан кўпроқ станция сигналини узатишга имкон беради. Норвегияда рақамли радиосигнални қабул қилувчи стационар радиолар билан муаммо йўқ, бироқ автомобилларнинг фақат 20 фоизига рақамли сигнални қабул қиладиган приёмниклар билан жиҳозланган.

Ҳукуматнинг таъкидлашича, рақамли сигналнинг бир неча афзал жиҳатлари бор, у орқали радиозащитириш арзон ва ишончлироқдир. Айниқса, оддий сигналнинг ўтишига ҳалакат қилувчи тоғли худудларда яхши самара беради.

СМАРТФОНЛАРНИНГ ИНСОН СОҒЛИГИГА ЯНГИ ХАВФИ АНИҚЛАНДИ



Кореялик олимлар смартфон экран қаршида 3 соат ва ундан кўп вақтни ўтказувчи болалар қуруқ кўз синдромига чалиниши мумкин, деган хулосага келишди. Бу ҳақда Orthodox tibbiy портали хабар берди.

Манбага кўра, ушбу касалликни белгилари йўқолиши учун болалар бир ой давомида смартфонлардан фойдаланишига ман.

Қуруқ кўз синдроми организм етарлича кўз ёш ишлаб чиқара олмаганда юзага келади. Натижда кўзлар қизариб, ачишади. Бундай пайтда кўзга худди бирор нарса тушгандек туюлади.

Умуман олганда, бу ҳолат асосан кексаларда кузатилади. Бироқ сўнгги пайтларда касаллик ёшлар орасида шиддат билан кўпаймоқда. Олимларнинг ишончи қомилки, бунга смартфонларнинг кўпайиши сабаб бўлмоқда.

Ушбу назарияни текшириб кўриш учун кореялик олимлар 7-12 ёшдаги 916 нафар бола илтирозиде тадқиқот ўтказишди. Кўриш қобилияти текширувчи давомида болаларнинг 6,6 фоизда қуруқ кўз синдроми аниқланди. Уларнинг деярли барчаси кун давомида 3 соатдан кўпроқ вақт смартфонлардан фойдаланишган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят ва Нишон туман кенгашлиари партия фаоли, «Нуроний» жамғармасининг Нишон туман бўлими раиси Ҳужақул Махсимовга онаси **Ойзият МУҲАММАДИЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Пенсияерлар уюшмаси Марказий Кенгаши Хоразм бўлинимаси вилоят кенгаши раиси **Рустам КУТЛИМУРДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Бунёдкорлик

Жорий йилда Самарқанд шаҳри кўчаларида арзон, экологик тоза, самарали ва замонавий жамоат транспорти — трамвай қатнови йўлга қўйилади.

ТРАМВАЙ ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Айни пайтда Темир йўл вокзали — Сартена массиви йўналишида «пўлат из»ларни ётқириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Трамвай йўли қурилишининг биринчи босқичи ҳисобланган бу йўналишдаги ишлар Наврўз байрамига қадар ниҳоясига етказилиши кутилмоқда.

— Қисқа вақтда Сартена массивидан Буюк ипак йўли ва Нарпай кўчалари кесишган худудгача бўлган 4 километр масофага темир йўли изларини ётқириб чиқдик, — дейди «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «ТИМС — 203» корхонаси бош муҳандиси **Обид Уматов**. — Наврўз байрамига қадар 16 километр масофада трамвай йўли барпо этилади.

Кейинчалик трамвай йўналишини иккинчи босқичда Темир йўл вокзалидан Сиб дехқон бозоригача, учинчи босқичда эса Кимёгарлар шаҳарчасига етказиш кўзда тутилган.

Абдураул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Диққат, танлов!

«АРМИЯ — ЮРТИМИЗ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ РАМЗИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Матбуот ва ахборот агентлиги, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Мудофаа вазирлиги ва Миллий телерадиокомпания билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 25 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куну муносабати билан журналистлар ўртасида «Армия — юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи» республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларда Қуролли Кучларимиз салоҳияти ва ҳарбий соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусофоллиги, юртимиз тинчлиги ва мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатётган ҳарбийларнинг мардона хизмати, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-маиший шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил этилган ва маҳорат билан ёритилган бўлиши лозим.

«Армия — юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи» танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича ўтказилади: — босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари (1-, 2-, 3-ўрин); — тележурналистларнинг кўрсатувлари (1-, 2-, 3-ўрин); — радиожурналистларнинг эшиттиришлари (1-, 2-, 3-ўрин); — интернет нашрларидаги материаллар (1-, 2-, 3-ўрин); — фотожурналистикага оид материаллар (1-, 2-, 3-ўрин). Танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланади.

Танловга 2016 йил давомида ҳамда 2017 йилнинг 31 мартгача газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, фоторепортажлар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар (камида 5 та) 2017 йилнинг 5 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари ва совричдорлари рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида маълумот (объективка);
- муаллифнинг паспорти нусخаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Ижодий ишлар «Армия — юртимиз тинчлиги ва осойишталиги рамзи» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87, веб-сайт: www.journalist.uz

НАМАНГАНДА АКАДЕМИК МАХМУД САЛОҲИДДИНОВ МАТЕМАТИКА МАКТАБИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Наманган вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси Ўзбекистонда математика фанининг «Дифференциал тенгламалар» йўналиши асосчиси, академик Махмуд Салоҳиддинов билан ҳамкорликда эзгу ишга қўл уришди.

Махмуд Салоҳиддинов Наманган шаҳридаги 4-мактабни битириб, ҳозирги ЎЗМУнинг математика факультетига таъсис олган. Шундан сўнг у изланишларини дунё миқёсидаги илмий марказлардан бири бўлган Новосибирскдаги Математика институтига давом эттириб, А.Бичалзе раҳбарлигида физика-математика фанлари номзоди, кейинчалик доктори илмий даражасига эга бўлган.

Махмуд Салоҳиддинов илмий педагогик фаолиятининг катта қисми ЎЗМУ ва ЎЗРФА Математика институти билан ҳамкорликда амалда бўлиб келди. У Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси Президенти каби ўта масъулиятли вазифаларда фаолият кўрсатган.

Математика соҳасида илмий мактаб яратган

академик Ўзбекистон Республикаси фан арбоби ва бир қатор орден-медаллар билан тақдирланган.

— Устоз оқиб турган дарё, — дейди НамДУ амалий математика кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Махмуджон Бадалов. — У киши жуда катта илмий салоҳиятга эга. Мазкур мактабнинг очилиши машҳур олим билан ёшларнинг бевосита мулоқот қилишига имконият беради. Домла ўзлари туғилиб ўсган юрт, таълим олган мактабларида ўқувчи-ёшлар билан машғулотлар олиб боради. Бу нафақат фарзандларимиз учун, балки биз, шогирдлар учун ҳам жуда зарурдир.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ШОҲМОТ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Йил якунлари ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказди



— Ўтган йил шохмотчиларимиз учун галабаларга бой бўлди, — дейди Ўзбекистон шохмот федерацияси вице-президенти Баҳодир Умрзоков. — Вакилларимиз турли давлатларда ўтказилган ўттизга яқин нуфузли халқаро турнирларда иштирок этди. Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон аёллар ва эркеклар ўртасидаги Осиё чемпионати, Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган аънанавий «Тошкент опен» ва «Жаҳон шохмот юлдузлари» сингари йирик халқаро турнирларга муносиб мезбонлик қилди. Ҳамюртларимиз йил

давомида халқаро мусобақаларда жами 40 олтин, 15 кумуш ва 12 бронза медални қўлга киритди.

Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Бирлашган Араб Амирикларидида бўлиб ўтган «Осиё миллатлар кубоги»-да икки йўналишда кумуш медал билан тақдирланди. Ёшлар терма жамоаси аъзолари Мўғулистонда ўтказилган Осиё чемпионатида 10 медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида шохсуланинг учинчи погонасидан ўрин олди. Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида ёш шохмотчилар

римиш 7 олтин, 2 кумуш, 2 бронза медалига сазовор бўлди. Ўзбекистон вакиллари Сочи шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида 36,5 очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Шунингдек, ўтган йил пойтахтимизда Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар шохмот мактаби иш бошлади.

— Шохмот мактабимиз Марказий Осиё минтақасида ягона ҳисобланади, — дейди мактаб директори Комил Синдоров. — Айни чоғда бу ерда Марат

Жумаев, Дмитрий Каюмов сингари таникли гроссмейстерлар раҳбарлигида йигирма беш нафар мутахассис ўғил-қизларимизга сабоқ беришмоқда. Мактабимизнинг Қорақалпоғистон ва барча вилоятларда филиаллари бор. Ўтган йил давомида ўн икки бор махсус ўқув-йиғин машғулотлари, таникли шохмот усталари билан ўнлаб мастер-класслар уюштиришга муваффақ бўлдик. Келгусида янги ўқув қўлланмалари ва адабиётлар яратиш, Россия, Арманистон сингари давлатлардаги махсус шохмот мактаблари билан илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш устида иш олиб бораёмиз.

Тадбир доирасида федерация томонидан ўтган йил якунлари бўйича турли номинациялар ғолиб ва совриндорлари номи эълон қилинди. Владимир Егин — «Йилнинг энг яхши мураббийи», Самарқанд вилояти шохмот федерацияси — «Йилнинг энг яхши худудий бўлини маси», Нодирбек Ёқуббоев — «Йилнинг энг яхши шохмотчиси», Ирина Геворкян — «Йилнинг энг яхши аёл шохмотчиси», Нодирбек Абдусатторов — «Йилнинг энг яхши ёш шохмотчиси» номинациялари бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОСИЁ КУРАШ КОНФЕДЕРАЦИЯСИДА

Бирлашган Араб Амирикларининг Дубай шаҳрида Осиё кураш конфедерациясининг навбатдан ташқари конгресси бўлиб ўтди.

Тадбирда қўғамизнинг йигирма беш мамлақати вакиллари иштирок этди. Унда 2018 йили Жакарта (Индонезия)да бўладиган ёзги Осиё ўйинларига тайёргарлик

қўриш ва минтақада курашни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Конгрессда ташкилий масала қўриб чиқилди. Осиё кураш конфедерациясини 2013 йилдан буён бошқариб келаятган Хайдар Фармон ўрнига ҳамюртимиз Комил Рўзиев янги президент этиб сайланди. Шунингдек, навбатдаги тўрт йиллик

муддатга ОККнинг ижроия қўмитаси аъзолари сайланиб, улар қаторидан юртдошларимиз — Зиёвуддин Ҳожиниёзов (Бош қотиб), Иброҳим Каримов (Маориф ишлари қўмитаси)лар жой олди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎзДЖТУ магистри.

Бунёдкорлик

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида ҳам аҳолига кенг қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бозорлар, замонавий савдо марказлари, турли хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилиб, фойдаланишга топшириляптир.

ЯНГИ САВДО МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг дастлабки кунларида шаҳар марказида яна бир янги савдо маркази ишга туширилди. Бу ерда аҳоли дастурхонига 15 дан зиёд турдаги гўшт ва гўшт маҳсулотлари тақдим этилмоқда.

Тадбиркор Бектўлат Қўсимбетов ташаббуси билан бунёд этилган марказда сотувчилар учун ҳам, харидорлар учун ҳам барча қулайлик яратилган. Шу ернинг ўзида харидор талабига қўра гўштни майдалаб, қийма ҳам тайёрлаб берилади. Ёш болалар харидорлар учун болалар аравачаси қўядиган махсус жой ажратилган.

— Марказда ошпазлар ҳам бор, — дейди тадбиркор Б.Қўсимбетов. — Буюртма асосида шу ернинг ўзида янги сўйилган гўшдан қаз иш каюб тайёрлаб берилмоқда. Харидорларга қорамол, қўй ва парранда гўшлари тақдир этиляптир. Мамлакатимизда яратилаётган имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш, йиғирмадан ортиқ янги иш ўрни ташкил этишни режалаштирганмиз.

Янги савдо маркази иш бошлаши билан касб-хунар коллежаларини битирган 10 нафар ёш мутахассис доимий иш ўрнига эга бўлди.

А.ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

Реклама ва табриклар

«Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти тизимидаги

«ХОНҚА ПАХТА ТОЗАЛАШ»

акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни

янги — 2017 йил

билан муборакбод

этади!

Янги йил барчага

бахт ва омад

олиб келсин!

Махсулотлар сертификатланган.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV	Saidahmad RAHIMOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV		

Qabulxonasi — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan.
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonasi manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma tobaq.

Gazeta shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 138
17065
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:45
Topshirilgan vaqti — 00:20
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV
ISSN 2010-7633
7 7065 17065
1 2 3 4 5